Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 263 (5854)
15 НОЯБРЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1985 йил 22-23 октябрь кунлари Софияда ўтказилган кенгаши ҳужжатлари ва материаллари тўплами босмадан чиқди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар баёнотининг тексти, кенгашда қабул қилинган ахборот, бошқа материаллар эълон қилинган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида 1986 — 2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш билан боғлиқ баъзи масалаларни кўриб чиқди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда юқори сифатли ҳар хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни жадал ривожлантиришни таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб берилди.

Партия, совет ва хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига меҳнат коллективларининг куч-ғайратини товарлар турлари ва сифатини тубдан яхшилашга, саноат тармоқларини юксак истеъмол хусусиятларига эга бўлган буюмлар ишлаб чиқаришга ўз вақтида қайта мослаштиришга, аввало қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулотга материал сарфини камайтириш, барча турдаги ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш ҳисобига товарлар ва хизмат ҳажмини кўпайтиришга сафарбар этиш топширилди. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, кичик шаҳарлар ва посёлкаларда янги корхоналарни қуриш, «А» группаси тармоқларидаги корхоналарда ихтисослаштирилган цехлар ва ишлаб чиқаришлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Моддий таъминоти даражаси турлича бўлган аҳоли учун, шунингдек, уруш ва меҳнат инвалидлари, кексалар, кўп болали оилалар учун товарларнинг асосий турларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг коммунистлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга сафарбар қилиш соҳасидаги иши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Корхона партия комитети олдига халқ хўжалиги планларини бажариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни, аввало меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтиришда цех партия ташкилотлари ва партия группалари кучидан тўлароқ фойдаланиш вазифаси қўйилди. Ҳар бир ишчи ва мутахассис энг кўп самара билан меҳнат қилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, янги қувватларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш ва уларни ўз вақтида ўзлаштириш вазифаларини ҳал этишга конкрет ҳисса қўшишига эришиш лозим. Партиявий-сиёсий ва тарбиявий иш, меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими формаларининг турли-туман бўлиши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш муҳимдир.

1985—1986 йилнинг қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида партия турмуши, иқтисодий ва маданий қурилишнинг бошқа бир қанча масалалари кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

М. С. ГОРБАЧЕВ

Нобель мукофоти лауреатлари конгрессининг делегацияси билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 13 ноябрь куни Кремлда тинчлик Нобель мукофоти лауреатларининг 25-27 октябрда Голландиядаги Маастрихт шаҳрида бўлиб ўтган конгресси делегациясини қабул қилди. Делегация составида Нобель мукофотининг лауреати Жорж Уолд (АҚШ), Тео Книппенберг, Сузана Габриель (Нидерландия), Нобель мукофоти лауреатлари Федерациясининг секретари Алоис Энглендер (Австрия) бор эди.

Учрашувда СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, СССР Фанлар академияси умумий физика ва астрономия бўлимининг академик-секретари, Нобель мукофоти лауреати А. М. Прохоров ҳозир бўлдилар.

Делегация М. С. Горбачевга Нобель мукофоти лауреатлари конгрессининг М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Р. Рейган номига мурожаатномасини топширди. Мурожаатномада бундай дейилади:

«Сизлар инсоният тарихи жараёнини ўзгартириб юбориш учун мислсиз имкониятга эгасиз.

Биз Сизларни кенг қамровли қуролсизланишнинг конкрет плани тўғрисида аҳдномага эришилмагунча Женевадан кетмасликка чақирамиз, бу биринчи навбатда қўйиладиган қуйидаги қадамларни ўз ичига олиши керак:

1. Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида баёнот бериш.

2. Ядро синовларини батамом тақиқлаш, бу ишни ядровий портлатишларни ўзаро тўхтатиб қўйишдан бошлаш.

3. Космик фазони ҳарбийлаштирмаслик йўлини изчиллик билан ўтказиш.

4. Ядро қуролини тезроқ йўқ қилиб ташлаш йўлидаги биринчи қадам сифатида унинг запасларини анча миқдорда қисқартириш.

5. Ядро уруши тасодифан чиқишининг олдини олиш учун биргаликдаги механизмни вужудга келтириш.

Президент Эйзенхауэр бир вақтлар айтганидек, қуролланишт пойгаси ҳар куни очларнинг нонини тортиб олади.

Ҳозирги вақтда хавфсизликка эришиш йўли фақат қуролсизланиш орқали ва муносиб инсоний ҳаёт кечиришни таъминлаш орқали ўтади.

Келажак илмий ва технологик билимларнинг йўналишини биргаликда ўзгартиришни талаб қилади.

Тинчликка эришиш учун идеологияга камроқ зўр беришни, кўпроқ сабр-тоқатли бўлишни ва вужудга келаётган муаммоларни ҳалқаро ҳамкорлик асосида ҳал этишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда мардлик урушга тайёргарлик кўриш учун эмас, балки тинчликка эришиш учун талаб қилинади».

Ж. Уолд мурожаатномани топшириб, Қўшма Штатларда тинчлик тарафдорларининг ҳаракати кенг кулоч ёзганини таъкидлади. Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоблар ҳам шуни тасдиқлаб турибди, деди у. Масалан, америкаликларнинг 70 процентидан 80 процентигача ядро қуроли аслаҳаҳоналари кўпайтирилмаслигини талаб қилиб чиқмоқда. Қуролланиш пойгаси АҚШнинг миллий манфаатларини таъминлаш учун зарур, деган гаплар ҳақиқатда «самовий урушлар» программаси туфайли кўп миллиардлаб фойда олишни умид қилаётган Америка ҳарбий-саноат комплекси манфаатларинигина ифодалайди.

Совет Иттифоқининг сиёсати тинчлик тақдиридан, планетадаги барча болаларнинг келажагидан ташвишланаётган олимларнинг даъватларига ҳамоҳангдир, деди сўзининг охирида Ж. Уолд.

М. С. Горбачев мурожаатномани қабул этиб, делегация аъзолари ҳузурида нутқ сўзлади.



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС фотоси.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Атоқли олимлар — Нобель мукофотининг лауреатлари имзо чеккан мурожаатномани мамнуният билан қабул этаман. Аввало, шуни айтмоқчиманки, совет раҳбарлари бу мурожаатномани зўр умуминсоний аҳамиятга молик ҳужжат деб ҳисоблайдилар. Унда икки буюк давлатга мурожаат этиб, халқаро ишларда яхшилик сари бурилишни таъминлашга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олишга даъват қилинганлиги мамлакатимиздаги кайфиятларга ва унинг раҳбарлари амалий ниятларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Бизнинг давримизни ҳеч бир муболағасиз бурилиш даври деса бўлади. Ҳозир инсоният шундай маррага етиб келдики, энди қарорлар қабул қилишда алоҳида ақл-заковат, ҳаракатларда вазминлик ва сиполик, фақат ўз манфаатларинигина эмас, шу билан бирга бутун дунё ҳамжамиятининг манфаатларини ҳам эътиборга олиш талаб қилинади. Менинг назаримда, Нобель мукофотининг лауреатлари кўтариб чиққан ташаббусга ҳам айни мана шу тушунча асос бўлган.

Биз СССРда ҳозир ядро қуролини, айниқса, унинг тобора даҳшатли турларини бундан буён ғамлаш йўлларини тўсиб қўйишдан ҳамда айни вақтда космосга қурол билан чиқиладиган эшикни тақа-тақ беркитиб қўйишдан ҳам зарурроқ ва муҳимроқ вазифа йўқ, деб ҳисоблаймиз. Бу фикр бизнинг қарашларимиз ва таклифларимизга мос бўлиб тушади. Биз бир неча кундан кейин Совет—Америка учрашувига шу фикр ва таклифлар билан йўл оламиз.

Биз учрашувга очиқ-ойдин ва ҳалол ёндашамиз. Биз барча давлатларнинг, аввало СССР ва АҚШ каби мамлакатларнинг раҳбарларига тушадиган масъулиятни тўла англаган ҳолда Женевага тўпланамиз. Биз жиддий ва самарали ишлаш учун борамиз ва, айтишим керакки, салмоқли таклифларни ўртага қўямиз.

Совет Иттифоқи — учрашув замонамизнинг марказий масалаларини ҳал этишга — халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни соғломлаштиришга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, бу пойгани космос кенгликларига олиб чиқишнинг олдини олишга амалий равишда кўмаклашиши тарафдоридир.

Ҳозир ақли раso ҳар бир киши уруш хавфининг олдини олиш учун ўзининг шахсий масъулиятини тўла-тўкис англаб олиши айниқса муҳимлигига бизнинг ишончимиз комил. Бинобарин, ядро урушининг оқибатларини эҳтимолки, бошқалардан кўра равшанроқ тасаввур этаётган олимлар хоҳ ердаги, хоҳ самодаги урушларга қарши ўз фикрини баралла айтиши жуда ўринлидир. Сизлар топширган мурожаатномани мен айни шу маънода тушунаман. Уруш ва тинчлик масалаларида ҳамиша актив позицияда турган ҳақиқий олимларнинг инсонпарварлик анъанасини — Нильс Бор, Альберт Эйнштейн, Фредерик Жолио-Кюри асос солган анъанани мамлакатимиз юксак қадрлайди.

Бизнинг замонамиз — чиндан ҳам илм-фаннинг «олтин асри»дир. Билимнинг чегаралари бениҳоя тез кенгайиб бормоқда. Инсоннинг ақл-заковати микродунёдан космосгача — ҳамма соҳаларга, табиатнинг шу қадар чуқур ва сирли маконларига кириб бормоқдаки, ҳали яқиндагина булар эришиб бўлмайдиган бир нарсадек туюлар эди. Билимнинг самараларидан тўла-тўкис фойдаланиш инсоннинг моддий ва маънавий турмушини сифат жиҳатидан бойитиш имконини берган бўлур эди.

(Давоми учинчи бетда).

ЗАФАРЛАРИМИЗ— КПСС XXVII СЪЕЗДИГА

• Ишчи минбари

ЖАДАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари матбуотда эълон қилинган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги таҳрирдаги Программасининг лойиҳасини синчиклаб ўрганишмоқда. Ленинча анъаналарга содиқ бўлган Коммунистик партия КПСС янги таҳрирдаги Программасининг лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ташлади. Партия иқтисод ва сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича халқ билан маслаҳатлашмоқда.

«Металлургия, химия ва оғир саноатнинг конструкция материаллари ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларида потенциални мустаҳкамлаш ва сифат силжишларини амалга ошириш, материаллар ассортиментини муттасил кенгайтириш, сифатини яхшилаш, уларнинг энг янги, энг тежамли ва прогрессив турларини чиқаришни кўпайтириш зарур», дейилади Программа лойиҳасида.

Кўрининб турибдики партия халқ хўжалигининг барча тармоқларини қайта қуришни ўз ичига олган тарихий иқтисодий стратегияни белгиламоқда.

Корхонамизда ҳам ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий ва техник асослари белгилаб олинмоқда. 1986-1990 йилларда 60 процентдан зиёд капитал маблағ заводни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга сарфланади. Замонавий технологик линиялар, робот техникаси комплекслари ва манипуляторлар, автомат линиялар, махсус агрегатлар, автомат дастгоҳларни жорий қилиш бўйича кўплаб ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилади. 20 га яқин механизациялаш г а н участка ишга туширилади. Бу меҳнат унумдорлигини 36,7 процент ошириш имконини беради.

Энг асосийси шундаки, қўл меҳнатининг салмоғи 18 процентга камаяди. Тўла реконструкция қилиниши туфайли бизнинг механика-йиғув цехимиз ҳам бутунлай ўзгаради. Бу ерда технология жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялашга алоҳида эътибор берилади.

Ана шу янги вазифалардан келиб чиққан ҳолда корхонанинг ишлаб чиқариш техника базаси мустаҳкамланади. Жумладан, 5 миллион сўмликка яқин маҳсулот янги ускуналар ва дастгоҳлар ёрдамида тайёрланади. Қисқа қилиб айтганда, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги истиқболлари белгиланмоқда. Бу қувончлидир, албатта.

Корхона ишчи ва хизматчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги таҳрирдаги Программасининг лойиҳасини синчиклаб ўрганишни давом эттиришмоқда. Муҳокама давомида коллективнинг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилиги активлашмоқда, корхонада илмий-техника тараққиёти жараёнини ривожлантиришга ёрдам берадиган таклифлар киритилмоқда.

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводи 15-цех слесарь-автоматчилар бригадасининг бошлиғи, цех партия ташкилотининг секретари.

ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

«Миконд» заводининг 4-цехида турли хил мосламалар, деталлар тайёрланади. Бошқа цехларнинг қандай ишлаши шу коллективнинг кўрсаткичларига боғлиқ. Бу масъулиятни цех ишчилари яхши тушунадилар. Шу боисдан ҳам кунлик топшириқни сифатли ва ошириб бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

А. Усмонов, Н. Свободин сингари ўнлаб ишчилар техника ва технологиядан самарали фойдаланиш эвазига кунлик топшириқни 140-150 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлишмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган бу мусобақа пешқадамлари касб сирларини ёшларга ўргатишда ҳам бошқаларга намуна кўрсатишмоқда.

Илғор ишчи, жонкуяр мураббийлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрами куни арафасида 1987 йил шахсий топшириғини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Ҳозир улар 1988 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.

• Пойтахтнинг уй-жой қурилишларида

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги қарорларидан руҳланган «Ўзбекгидроэнергост р о й» трести қурувчилари ва монтажчилари уй-жой қурилиши бўйича илғари қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Бир йўла трест қурувчилари 2- «Шимолий - шарқ» массивида 56 квартирали янги уйни қуришга киришдилар. Объектда тупроқ қазиш ишлари ниҳоясига етказилди, пойдевор қўйилиб, бинонинг биринчи қаватида монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Умуман, «Ўзбекгидроэнергострой» трести қурувчилари ҳамшаҳарларимизга беш йиллик бошидан буён қарийб 24 минг квадрат метр замонавий, шинам квартираларни ҳадя этдилар.

XXVII Тошкент ЖАСОРАТНОМАСИ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

№ 25

„ОҚ ОЛТИН"- ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	0,18	109,12
НАМАНГАН	0,16	106,80
ТОШКЕНТ	0,22	102,51
Сирдарё	0,57	98,87
Андижон	0,49	95,94
Сурхондарё	0,53	95,09
Хоразм	0,18	93,19
ҚҚАССР	0,42	91,10
Жиззах	0,46	84,79
Бухоро	0,10	84,47
Самарқанд	0,61	81,81
Навоий	0,30	81,26
Қашқадарё	0,56	69,93
Республика бўйича:	0,38	92,13

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАРНИНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Маҳсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, Р. Нуъмонов, Т. Каримовлар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар қиладилар.

«ОҚ ОЛТИН» ИРМОҚЛАРИ

Ҳа, республикамизнинг поёнсиз пахтазорларида йиғиб-териб олинаётган «оқ олтин» карвонларини дарёга қиёс қилсак, Тошкент шаҳридан кўриқ областларнинг далаларига ватанпарварлик ташаббуси билан ҳашарга чиққанларнинг қўшаётган ҳиссасини нормоққа ўхшатиш мумкин. Уларнинг шиори битта: у ҳам бўлса, мўл ҳосилни бир чаноғигача қўймай, йиғиб-териб давлатга топширишдир. Об-ҳаво гоҳида инжиқлик қилиб турибди. Аммо Тошкент ўқув юртлари, меҳнат коллективларининг вакиллари партиямиз XXVII съезди шарафига оталиқдаги областлар пахтазорларида теримда жонбозлик кўрсатишяпти. Беш йилликнинг якунловчи йили ҳосилини бир чаноғигача йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшишяпти.

Бу галги репортажимиз Беньков номидаги республика бадиий билим юрти ишлари ҳақида. Улар Жиззах область Арнасой районидаги Конев номли совхозда ёрдам беришяпти. Штабга тушдан кейин кириб келганимизда бир нарса эътиборимизни жалб этди. Уларнинг расм чизишаётганини кўрдик.

— Ижод ва меҳнат бир-бирига ҳамдам бўляпти, — деди штаб бошлиғи А. Рожков,— Дам олиш яхши ташкил этилгани учун ҳам студентлар бўш вақтларида илҳом билан расм чизишяпти. 320 киши ҳозиргача 186 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб берди.

Т. Письманная, М. Нуриметова, М. Худоймуродова, Ю. Ҳаитбоев, Г. Адаев, К. Чиннибеков ва бошқалар ўзаро мусобақада пешқадамлик қилиб, пахтакорлар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Биз бир группа пешқадамлар билан суҳбатлашиб бўлгунимизча илҳоми жўш урган бўлажак рассомлар «Дала суҳбатдошлари»нинг расмини чизиб қўйишибди. «Беньковликлар»нинг бу кутилмаган совғасини олар эканмиз, уларга самимий миннатдорчилигимизни билдирдик.

СУРАТЛАРДА: Беньков номидаги бадиий билим юртининг студентлари Конев номли совхоз пахтазорларида; илғор теримчи Р. Займитдинов: дам олиш чоғида.

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН ПАРТИЯ УСТАВИ, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ— УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳаси партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида ишчанлик вазиятида, социалистик Ватанимиз, Коммунистик партиямиз учун фахрланиш туйғулари билан муҳокама этилмоқда. Лойиҳада баён этилган қоидалар совет кишиларининг қалбига яқиндир. Чунки бу қоидалар мамлакатимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Коммунистлар ана шу партия ҳужжатида қўйилган мақсадлар ҳақидаги ёрқин ҳикоялари билан меҳнаткашларни фидокорона тер тўкишга, КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга сафарбар этмоқдалар. Янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳаси «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмасида ҳам қизғин муҳокама қилинаяпти.

СУРАТДА: 26-цех партия бюросининг секретари А. Волович коллектив аъзолари билан янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳаси ҳақида суҳбатлашмоқда.

А. Мальцев фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумлари қарорлари, партиянинг янги таҳрирдаги Программаси ва партия Устави (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан) лойиҳалари 1986—1990 йилларга ва 2000 йилларгача бўлган даврга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ишларини матбуотда эълон қилинган комплекс программаси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ва кенгашларида ўртоқ М. С. Горбачевнинг сўзлаганнутқ ва докладлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленуми материаллари Тошкент тўқимачилик комбинатининг XXXVII ҳисобот-сайлов партия конференцияси делегатларининг диққат марказида турди. Партия илгари сурган янги вазифалар асосида корхона партия комитетининг ва бутун партия ташкилотининг фаолиятни таҳлил этилди.

Комбинат партия комитетининг секретари У. С. Султонова қилган ҳисобот докладида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ўтган даврда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, беш йиллик бошида йўл қўйилган қолоқликка барҳам беришга тўқувчилар коллективини сафарбар этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилди.

Меҳнатнинг прогрессив формалари ва методларини жорий этишга, илғор технологиядан фойдаланишга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилди. Бунда эса цехларни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш муҳим роль ўйнади. Масалан, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларида 1629 та янги машина ва станоқлар ўрнатилди. Ҳозир ишлаб турган 3000 дан зиёд дастгоҳ модернизация қилинди, тўртта янги технологик жараён ўзлаштирилди.

Шу билан бирга корхона иқтисодий ва хўжалик фаолиятига партиявий таъсир савияси шу кун талабларига тўла-тўкис жавоб бермаяпти.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Кўрилган чораларга қарамай ҳамон иш вақтини йўқотишлар кўп бўляпти. Йил бошидан буён 1500 дан зиёд киши прогулга йўл қўйди. Фақат шу сабабга кўра 1,4 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. 1985 йилда комбинатда 2585 малакали ишчи бўшаб кетди. Уларнинг ўрнини ҳали тажрибага эга бўлмаган ёшлар эгалларди. Шу сабабга кўра корхона 7,8 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Бироқ кадрларни мустаҳкамлаш бўйича шу пайтгача ҳам самарали чоралар кўрилмади.

Коммунистлар асосий фабрикаларда иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан юқори бўлаётгани ҳақида ташвишланиб гапиридилар. Дастгоҳларнинг бўш туриб қолиш ҳоллари ҳам ишга салбий таъсир кўрсатяпти. Шу сабабга кўра беш йилликда 5968 тонна калава кам етказиб берилди.

Докладда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, даги нормага эриша олмади. Ўтган тўққиз ой ичида 80 та реклама олди.

Докладда ва нотиқларнинг сўзларида кадрлар тарбиясига, уларни ғоявий чиниқтиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғорлар тажрибасини ёйиш, кўпстанокчилик ҳаракатини кенгайтириш, ягона наряд бўйича ишлаётган бригадалар иш унумдорлигини инженерлик жиҳатдан таъминлаш ҳақида тўқувчи К. Ёқуббоева, 3-фабриканинг йигирув цехи партия ташкилоти секретари Г. Ф. Мирошниченко, 1-фабрика директори В. Ф. Шименова, комбинат комсомол комитетининг секретари А. Ш. Қулбоев ва бошқа делегатлар батафсил тўхталиб ўтдилар.

Қабул қилинган қарорда партия ташкилоти ишини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлими мудири А. С. Икромов қатнашди ва сўзга чиқди.

Шунингдек, конференция ишида Тошкент область партия комитетининг енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлими мудири К. М. Йўлдошева, Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Ҳўжаева қатнашдилар.

И. МАРГОНИН.

«БЕЛГИЛАНГАН ПЛАНЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН КОММУНИСТЛАР, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ТУШАДИ, УЛАР ОММАНИНГ СИЁСИЙ ЖУШҚИНЛИГИГА ВА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИГА БОШЧИЛИК ҚИЛИШЛАРИ, УНИНГ ТАШАББУСИНИ ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЛАРИ КЕРАК».

(СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан).

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

• Коммунистнинг шахсий намунаси

ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАШАББУСКОР

Раъно Холбоева «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали ишчиларидан бири. Унинг шу корхонада ишлаётганига 18 йил бўлди. Бу йиллар ичида унинг кўз ўнгида корхона замонавий техника билан жиҳозланди, ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашди.

— КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми маъқуллаган КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ва СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлар лойиҳаларидан шу нарса аниқ-равшан кўриниб турибдики, келгусидаги истиқболлар бундан ҳам порлоқ бўлади,— деб таъкидлади у. — Бу ҳужжатлар жуда катта аҳамиятга эга. Уларда партиянинг, истиқбол режалари, унинг иқтисодий стратегияси баён этиб берилган. Биз, ишчилар бу ҳужжатларнинг ҳар бир сатрини зўр қизиқиш билан ўрганяпмиз.

Шу кунларда партиямизнинг даъватига жавобан социалистик мусобақа кенг тус олиб кетди.

Раъно Холбоева ҳозир 1986 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқда. КПССнинг навбатдаги XXVII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Ўзининг ташкилотчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ишга солмоқда.

Коммунист Р. Холбоева ҳамишаҳамкасбларига астойдил ёрдам беради, ёшлардан маслаҳатини аямайди. Унинг ҳамкасбларидан Дилором Маматоева, Васила Зиятова сингари тикувчи-мотористкалар, Муҳайё Убайдуллаева, Дилобар Акбарова сингари ёшлар ҳам «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ишлаб кўнгилдагидек ютуқларни қўлга киритяпти. Р. Холбоева ва унинг дугоналари кунлик топшириқларини 140—150 процентдан адо этишяпти. Ҳозир унинг шогирдлари сони 50 дан ошиб кетди. Мавжуда Ҳолматова, Гўзал Боқоева, Эльмира Мусаева сингари ёшлар унинг шогирдларидир. Бугунги кунда улар «Шогирд — муаббийга тенглашсин» шиори остида ишлаяпти. Нафиса Пўлатова етакчилик қилаётган бригада кун сайин яхши ютуқларга эришяпти.

Бригадир у ҳақда илиқ сўзларни айтди.

— У меҳнатсевар ишчиларимиздан бири, — деди у.— Ёшларга доимо ғамхўр, меҳрибон муаббийдир. Фақат берилган топшириқларни ошириб бажаришгина қолмай, балки иш сифатига ҳам катта эътибор беради. Бригада советининг раиси сифатида кўпгина ишларни амалга оширяпти. Барча жараёнларни пухта эгаллаган. Жамоат ишларида ҳам жуда актив. Касаба союз ташкилоти фаолиятида активлик кўрсатяпти.

Партиямизнинг фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда унинг роли ҳақтаъян ошириш борасидаги кўрсатмалари асосида ҳамма жойда иш-изғин иш бормоқда. Шак-шубҳасиз, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Р. Ҳолбоева сингари ташаббускор коммунистлари ҳам партиямиз белгилаб берган режаларни бекаму-кўст амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, партия XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб оладилар.

Ҳ. ИНОҒОМОВ, ишчи.

ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛОВЧИ

БЕШТА «14» ВА БИТТА «7»

Уста Ширин кўчасидаги Навоий кўчасидаги Марказий телеграфга бориб келиш учун салкам уч соат вақтим кетди. Нега дейсизми? Мана шу «нега»нинг сабаблари бор.

Чунончи, Олой бозори томон қатновчи 14-троллейбус ҳар 5—6 минутда ўтиб турган ҳолда, Ишчилар шаҳарчаси орқали қатновчи 7-троллейбус ҳар соатда бир марта ўтади. Кам бўлгани учун донмо тиқилинч. Бу тиқилинчда кексалар, ёш болали аёллар троллейбусга чиқиб олишлари амри маҳол.

Чилонзор билан Ишчилар шаҳарчаси оралиғида қатновчи 2-троллейбусни Уста Ширин кўчасидаги агрегат заводигача қатнайдиган қилинса дурст бўларди. Бу билан шу томондаги саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчиларига, аҳолига қулайлик яратилган бўлар эди. Шаҳардаги барча турдаги пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси ходимлари бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак.

А. НАБИХЎЖАЕВ, меҳнат ветерани.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ

АҲОЛИ МИННАТДОР

Акмал Икромов районидаги Партия XXIII съезди номли маҳаллада аҳоли ёрдами билан жуда кўплаб ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир маҳалламиз кўчаларидаги ирригация шахобчалари атрофига ва хиёбонларга мевали дарахт кўчатлари ўтказиш учун ҳозирлик кўрмоқдамиз. Шаҳримизда ўтказилаётган ўрмон ва боғ ойлигида актив иштирок этиш учун маҳалла активлари жонбозлик кўрсатишяпти.

Яқинда Нашриёт кўчасидаги 158-уйдан 107-уйгача бўлган масофадаги ирригация шахобчаларини янги бетон ариқлар билан алмаштирилди. Бундан ташқари «Ихтиро» кўчасидаги 24 метрли кўприкнинг ёнидан ўтадиган қувур янгиси билан алмаштирилди. Бу ишларни Сандназаров, Худойберганов, Богатов, Жўраев каби ирригация трестининг ишчилари сифатли қилиб адо этишди. Маҳалламиз ободончилиги учун бундай ҳисса қўшаётган ташкилотлардан аҳоли жуда миннатдор бўлмоқда.

Р. ШАРИПОВ.

... мақтайди ...

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Инсон қайси касбда ишлашидан қатъий назар унга меҳр қўйиб, сидқидилдан ишласа эл ҳурматига сазовор бўлади. Биз Тошкент минерал сувлари физиотерапия шифохонаси ёнига жойлашган «Союзпечать» киоскачиси Мукаррамхон Имомназарована ана шундай ҳурматга сазовор бўлганлардан бири деб биламиз.

Опахон ҳар куни эрталаб ишга барвақт келиб газета ва журналларни росмана тартибли жойлаштиради. Киоска атрофини супириб-сидириб, озода қилиб қўяди. Газета ва журнал олувчилар билан ширин муомалада бўлиб улар истагини тезда бажо келтиради. Биз бу опахон хизматидан жуда-жуда миннатдормиз.

И. УБАЙДУЛЛАЕВ, қурувчи-инженер.

... танқид қилади

ЁЛҒОН ВАЪДА

Кичик баллонли газнинг икки ҳафтага зўрға етишини ҳамма билади. Мен 8 октябрь куни Октябрь райгази идорасига кириб 1122-рақамли абонент бўйича газ буюртирдим. «Бир ҳафтада олиб бориб беришади» дейишди у ердагилар.

Мана орадан уч ҳафта ўтди, газдан дарак бўлмади. Шундан кейин 28 октябрь куни яна такрор газ идорасига кириб сўрагандим «Эртага олиб бориб беришади» дейишди. Яна келишмади. 2 ноябрь куни яна у ерда бўлдим. «Амакижон, мана абонент номеригизга ёзиб қўйилган, албатта олиб боришади» деб яна юпатишди. Хуллас, ҳалигача газсиз ўтирибмиз. Бу ерда буюртма қабул қиладиган қизлар қачонгача ваъдабозлик билан кишиларнинг асабини бузишади! Нима учун бир ҳафта мобайнида олиб боришга керак бўлган газни 4—5 ҳафталаб кутамиз!

Ё. ҚОСИМОВ, Фармон кўчаси, 37-уй.

• ЛУҚМА

«ШИРИНСЎЗ» ТАКСИЧИ

Редакцияга келадиган хатлар ичида шикоятлар ҳам борлиги бизни қувонтирмайди, албатта. Аксинча, ўзингни ҳам қандайдир айбдордек сезасан, киши. Мана шундай фаровон турмушимизда ҳам инсоннинг қадрини билмайдиган енгилтабиат, қўпол айрим замондошинг қилиғи учун.

Бир ҳамшаҳримиз қалб амри билан пахтакорларга, ёрдамга ошиқибди. Қўлидан келганича ҳалол меҳнат қилиб, яна қадрдон шаҳрига қайтиб келибди. Аниқроғи, шу йилнинг 20 октябрида соат роппа-роса 14.30 да ўша ҳашарчи — аспирант Неъмат Дўсанов метронинг «Собир Раҳимов» станцияси олдидан таксига ўтирибди. Салондаги яна бир йўловчи Хадра майдонида тушиб қолганида таксичининг чўнтагига ҳам икки сўм тушибди. Улар Студентлар шаҳарчасига келишганида эса счётчик 3 сўм 50 тийинни кўрсатиб турган экан. Йўловчи дўстимиз икки сўм узатибдию бизни луқма ёзишга мажбур этган воқеа рўй беribди.

— Таксичи машинадан тушиб, мени ёмон сўзлар билан ҳақоратлай кетди, — деб ёзади Неъмат Дўсанов. Кейин уялганимдан яна бир сўм эллик тийин тўладим... Пул нима, менга алам қилган нарса унинг ҳақорати бўлди.

Пулни олгач таксичи индамай жўнаб қолган. Шу билан унинг вақти чоғ. Унинг учун энг муҳими йўловчи ҳақидан юлиб қолиш.

Ким билади, балки ҳозир ҳам у қилмишидан пушаймон эмасдир, эҳтимол яна бир бўш баёв йўловчининг пулини шилиб, дилини хуфтон қилиб тургандир. Афсуски, унинг фамилияси маълум эмас. Лекин унга ишониб топширилган давлат машинасининг номери бор. Мана ўша номер: 46-06 ТНА.

Тошкентга ким келмасин такси кўплигини таъкидлаб кетади. Бироқ такси кўп бўлгани билан унинг хизмати қай даражада ташкил этилганини эса фақат иши тушган кишигина билади. Ана шундай иши тушган бир ҳамшаҳримиз эса уйига шошиб, такси тўхтатганидан пушаймон бўлиб, редакцияга хат йўллаган. Биз бу мактубни «Главташпа с а в т о транс» раҳбарлари диққатига ҳавола қилдик. У ерда хизмат маданияти етарли бўлмаган ҳайдовчиларни тартибга чақириб қўйиш бурчи бўлган ўртоқлар борлигига ишончимиз комил.

Мақсад ЯХШИЕВ.

• Шаҳар—қишлоққа ҲАШАРЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Ўзбекистон дорихоналар Бош бошқармаси ходимлари ҳам Оққўрғон районидаги «Озод» колхози далаларида жавлон уришмоқда. Улар шу кунга қадар хўжаликнинг Т. Абдуллаев бош бўлган бригадасида 35 тоннадан ортиқ пахта териб бердилар. Бу ҳар бир киши ҳисобига икки ярим тоннага яқин пахта терилди деган сўздир.

Бошқарманинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги доришунослари эса Собир Раҳимов районини халқ маорифи ходимлари ва «Ўзбекбирлашув» ишчи-хизматчилари билан ўзаро социалистик мусобақа боғлашган. Ҳозирча доришунослар, бу мусобақада ғолиблик қилишяпти.

Бундан ташқари, бир группа доришунослар Сирдарё ва Тошкент областининг Янгийўл районида пахта йиғим-терим мавсумида фаол қатнашяптилар.

Н. МЎМИНБЕКОВ.

• Илм масканларида КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Бинокорлик — шарафли касб. Гўзал Тошкентимиз ҳуснига-ҳуснқўшиб турган осмонўпар муҳташам бинолар, бири-биридан гўзал саройлар, маданий-маиший объектларни кўрган киши беихтиёр бинокорларимиз меҳнатига тасаннолар айтади. Шаҳримизнинг энг кекса билим даргоҳларидан бири бўлган қурилиш техникуми халқ хўжалиги учун зарур бўлган мана шундай қўли гул бинокорларни етказиб бермоқда. Эндиликда бу даргоҳни битириб чиққан кадрларни республикамизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Улар ўзларининг эъзозли меҳнатлари эвазига халқимизни бежирим квартиралар билан таъминлашмоқда, қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштириш ишига самарали улуш қўшишмоқда.

Баъзи рақамларга мурожаат қилайлик. Бундан 30 йил муқаддам техникумда жами 26 ўқитувчи 2243 талабага дарс берган бўлса, ҳозир техникум ўқувчиларининг сафи ўн баравардан ошди. Ўқитувчилар сони тўрт ҳисса кўпайди. Кундузги бўлимда 1005, кечкида —1100 ва сиртқи бўлимда 460 талаба таълим олаяпти. Техникумни йилига 700 дан зиёд малакали қурувчи-мутахассис битириб чиқяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда сўнгги ўн йил ичида ўн мингга яқин бинокор тайёрланди. Улар республикамизда, Ўрта Осиёдаги қардош республикалар ва Қозоғистонда қурувчилик касбини шарафлаб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар сафида маҳаллий Совет депутатларидан тортиб, СССР Олий Совети депутатларигача учратиш мумкин.

Ўтган йили техникумга ўқув-тарбия борасида эришган ютуқлари учун фахрий диплом топширилди. Худди шу йили бу билим даргоҳи Бутунittифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Техникум коллективи янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келди. Бунинг учун аввало «Ягона сиёсий-тарбиявий ишлар» графиги ишлаб чиқилди. Унда ўқув йилининг ҳар бир кунида амалга оширилади-ган тадбирлар белгилаб қўйилди. 13 предмет комиссияси ва группа раҳбарлари бирлашмаси зиммасига конкрет вазифалар юклатилди. Планли иш туфайли техникум коллективи барча соҳаларда юксалиш пилла-поялариdan дадил одим ташлаб бормоқда.

Илм маскани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, халқимизга замонавий бинолар қуриб бера оладиган малакали кадрлар етиштириб беришга алоҳида ҳисса қўшмоқда. Бу ерда олиб борилаётган ўқув-тарбия ишлари самараси бу фикрни исботлаб турибди.

Ж. ҲОЛМАТОВ, М. ТЎЙЧИЕВ.

СУРАТЛАРДА: техникум ўқувчилари техник ижоди виставкаси; бадиий ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этишяпти.

• «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ҲЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТИ»

Газетанинг шу йил 23 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Тошкент тамаки фабрикасининг ишлаб чиқариш фаолияти танқид қилинган эди.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова имзоси билан редакцияга йўлланган жавобда айтилишича мақолада баён этилган фактлар Киров район партия комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими томонидан текширилган. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Мақола тамаки фабрикаси партия бюроси ва меҳнат коллективининг йиғилишида муҳокама этилди.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва тамаки фабрикасининг бригаликдаги ташкилий-техник тадбирлари ишлаб чиқилди.

Сигарета ишлаб чиқарувчи 4 та технология линияси олиб ташланди. Янги жиҳозлар монтаж қилинди ва фойдаланишга топширилди. Жиҳозларнинг сменали коэффициенти оширилди. Асосий ишлаб чиқаришнинг электрон системаларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар жалб этилди.

Кадрлар қўнимсизлиги 2 процент қисқарди. Тамаки фабрикаси ишчилари учун ётоқхона қурилиши тугалланяпти, унинг топширилиш муддати — 1985 йилнинг ноябрь ойи.

Фабрика раҳбарлиги, партия бюросига жиддий танбеҳ берилди ва давлат планини бажариш юзасидан конкрет тадбирлар кўриш кўрсатиб ўтилди.

М. С. ГОРБАЧЕВ

Нобель мукофоти лауреатлари конгрессининг делегацияси билан учрашди

(Боши биринчи бетда).

Модомики шундай экан, илм-фаннинг оммавий қирғин қуролини яратишга хизмат қилдираётган ютуқлари инсон зоти ҳаётининг ўзига таҳлика солаётганлиги йигирманчи асрнинг даҳшатли зиддияти эмасми, ахир!

Уруш ва тинчлик масалаларини эндиликда тараққиёт объектив жараёнининг ўзи олдинги маррага чиқариб қўйди. Одамларнинг онгини уйғотиш, уларни қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва тескари буриб юбориш учун, бу қуролларни қисқартириш билан шуғулланиш учун қатъий ҳаракатларга чақириш ишида олимлар, уларнинг обрўли сўзи, мўътабар фикри катта роль ўйнаши мумкин ва лозим.

Сизларнинг мурожаатномангизда ҳозир мардлик урушга тайёргарлик кўриш учун эмас, балки, тинчликка эришиш учун кераклиги ҳақли равишда таъкидланган. Қуролланиш пойгаси қалтис нуқтага етиб борганлиги учун ҳам бу фикр жуда тўғридир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳарбий техниканинг ривожи қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатишни ҳаддан ташқари қийин вазифа қилиб қўйди. Биз шундай чегарага жуда яқинлашиб қолдикки, бу чегарадан ўтилса, вазиятни умуман контрол қилишнинг иложи бўлмай қолиши мумкин.

Космосга зарбдор қурол чиқариладими ёки йўқми? — деган масала жуда ўткир бўлиб турибди. Шу саволга қайтариладиган жавоб дунёдаги кўп йиллик ривожланишни олдиндан белгилаб беради. Шахталар остида ва океанлар тубида жойлаштириб қўйилган ракеталарга қўшимча равишда космосдан яна бир ҳалокат хавфи таҳлика соладиган бўлса, қандай тинч келажак ҳақида, қандай стратегик барқарорлик ҳақида умуман гапириб бўлади, дейсиз?

Мана шундай ҳолатда ўн-йигирма йилдан кейинги дунёни тасаввур этиб кўринг. Юзлаб километр баландликдаги атмосфера чегараларидан геостационар орбиталарга қадар —ҳамма жойда планетамизда яшовчи барча кишиларнинг боши узра ҳар хил турдаги ядро қуролининг тўлқинлари ўтиб турадиган бўлади.

Американинг «олдинги базалардаги» қуроли қуршовида қирқ йил яшаб келган совет кишилари бу қуролнинг космосга чиқарилиши эҳтимолининг ўзини, ўз бошлари узра, ўз турар-жойлари узра мана шундай қурол хавф солиб туриши истиқболининг ўзини қатъиян рад этадилар.

Ерда ҳам, осмонда ҳам — ўз чегараларида ўзгаларнинг қуроли туришига ҳали одатланмаган оддий американликлар бу ҳолатга қандай қарайдилар? Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда кескинлик ҳатто ҳозирги стандартларга биноан ҳам мислсиз қалтис даражага етиб боради, буни назорат қилиш тағин ҳам қийинроқ бўлади, деб ўйлайман.

Космоснинг ҳарбийлаштирилиши ҳар қандай мамлакатда яшовчи кишининг психологиясига оғир юк бўлиб тушади, ялпи беқарорлик ва ишончсизлик муҳитини вужудга келтиради.

Хўш, бу ишлар қай мақсадни кўзлаб қилинмоқда?— деган савол туғилади. Дарвоқе, давлатларнинг территорияси тепасидаги космик фазога бошқа давлатнинг қуролини жойлаштириш фактининг ўзи давлатларнинг суверенитетини бузиш бўлмайдими? — деган саволни бериш ҳам ўринлидир.

Совет кишилари ўз хатларида: башарти АҚШ ҳеч нарсага қарамай, ракетага қарши кўп эшелонли мудофаани ишлаб чиқиш, синаб кўриш ва жойлаштиришга киришадиган бўлса, Совет Иттифоқи нима қилади?— деб тез-тез сўрамоқдалар. Биз СССР стратегик мувозанатни ва унинг барқарорлигини сақлаш талаблари хусусидаги ўз фикримизга мос бўлиб тушадиган самарали жавобни топади, деб бундан илгари уқтириб ўтган эдик. Аммо бу ҳолда қуролланиш пойгасининг янги давраси бошланган бўлур эди.

Шу пайтгача космосда қурол бўлмаганлиги маълум. Башарти у ерда қурол пайдо бўлса, уни қайтариб олиб тушиш бениҳоя мураккаб иш бўлади. Зарбдор космик қуролларнинг яратилиши ердаги ядро қуролининг йўқ бўлиб кетишига олиб боради, деб умид қилиш учун мутлақо асос йўқ. Янги турдаги қуролларнинг пайдо бўлиш тарихи, ҳозирги мавжуд реалликлар бунинг аксини яққол кўрсатиб турибди. Қуролсизланиш учун, аввалига тиш-тирноққача қуролланиб олиш керак, деган даъвода умуман бирон-бир мантиқ борми? Бошқача қилиб айтганда: ракеталарни йўқ қилиб ташлаш учун ракеталар яратишнинг нима кераги бор, ҳолбуки жуда ишончли, хавф-хатарсиз ва энг муҳими, мақсадга тўппа-тўғри олиб борадиган бошқа йўл — мавжуд ракеталарни қисқартириш ва кейинчалик батамом тугатиб юбориш тўғрисида аҳдномаларга келиш йўли бор-ку, ахир!

Ҳамма нуқтаи назарлардан, қолаверса энг оддий соғлом ақл позицияларидан қараганда ҳам иккинчи йўл бирдан-бир оқилона йўл эканлиги равшан. Биз — шу йўлнинг тарафдоримиз.

Бизнинг мамлакатимиз СССР билан АҚШнинг бир-бири территорияларига етиб борадиган ядровий воситаларини икки ҳисса қисқартиришни таклиф қилаётганлиги сизларга маълум. Биз ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатдик. Европадаги ўртача олислик ракеталарини ҳам ўз ихтиёримиз билан қисқартирдик. Биз ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузишга, ядровий ва химиявий қуролдан холи зоналар вужудга келтиришга тайёрмиз.

Музокаралар столида турган кўпгина таклифларимиз каби мана шу қадамларимиз ҳам — умуман ва алоҳида — алоҳида, — халқаро вазиятни анча яхшилаш, ядро уруши хавфини камайтириш, тўла ядровий қуролсизланишга йўл солиш имконини беради. Ядро қуролининг абадий таҳликаси остида яшаш — инсоният учун нохуш истиқбол эканини жуда яхши тушунамиз.

«Стратегик мудофаа ташаббуси» бунинг ўрнини босувчи қандай йўлни кўрсатади? У «мудофаа» ва «ҳужум» қуроллари, деб аталган қуроллар билан чексиз ва ўзаро тезлаштирувчи қуролланиш пойгасинигина таклиф этади, деган қатъий фикрдамиз.

Мен стратегик мудофаа ташаббусига бир неча бор сиёсий таъриф берган эдим. Унинг бошқа давлатлардан ҳарбий ва технологиявий соҳаларда устунликни таъминлашга уриниш учун очиқдан очиқ империячилик мақсадларини кўзлашини қайтадан таъкидлаб ўтирмайман. Бошқа бир жиҳатга тўхталиб ўтаман. Стратегик мудофаа ташаббуси технология соҳасида сакрашни таъминлайди, деган гапни айтмоқдалар. Ҳатто бу режанинг амалга оширилиши фан-техника тараққиётига туртки беради, деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, бунга нималар эвазига эришилади? — деган савол туғилади. Бунга қуролланишнинг ўз-ўзини ҳалок қилиш воситаларини яратиш эвазига эришилиши мутлақо равшан. Тобора кўпроқ кишилар, шу жумладан АҚШдагилар ҳам буни англамоқдалар.

Биз фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришнинг принципиал бошқа йўли тарафдоримиз, биз — мустаҳкам ва одилона тинчлик шароитидаги технологиявий мусобақа ва амалий ҳамкорлик тарафдоримиз.

Дарвоқе, космоснинг ўзи халқаро ҳамкорликнинг бениҳоя истиқболли майдони эмасми? Ҳозир биз уни илм-фан ва инсоннинг амалий фаолияти манфаатлари йўлида эндигина ўзлаштира бошладик. Аммо қисқа муддатда нақадар кўп натижаларга эришилди! Биринчи йўлдош, биринчи инсон космосга учирилди, биринчи инсон Ойга қўнди. Венера ва Марсга йўлдошлар қўндирилди, Венеранинг ажойиб харитаси олинди.

Мана шуларнинг ҳаммаси — илк қадамлар, холос. Космоснинг бепоён уфқларини ўзлаштириш давлатларнинг биргаликдаги муштарак иши бўлиб қолиши керак.

Биз космосдаги тинч ҳамкорликнинг батафсил программасини БМТ муҳокамасига тақдим этдик. СССР жаҳон космик ташкилотини тузишни таклиф этаяпти, бу ташкилот умуминсоний миқёсдаги шу ишда куч-ғайратларни мувофиқлаштирувчи марказ бўлур эди.

Фундаментал илмий тадқиқотлар ва шу мақсадда, масалан, Марсга планеталараро кемалар учириш шу жумлага киради.

Космик тадқиқотларнинг натижаларидан биология, медицина, материалшунослик, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш, иқлим ва табиий муҳитни ўрганиш сингари соҳаларда, йўлдошлардан фойдаланиб жаҳоншумул алоқа системаларини вужудга келтириш ва Ерни олисдан ўрганиш, дунё океанини ўзлаштириш соҳасида фойдаланиш шу жумлага киради.

Ниҳоят, янги космик техникани, шу жумладан йирик орбитал илмий станцияларни, одам бошқарадиган турли кемаларни биргаликдаги куч-ғайратлар билан вужудга келтириш ва улардан барча халқларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш, истиқболда эса Ер атрофи фазосини индустриялаш шу жумлага киради.

Қизиқиш билдираётган давлатлар билан икки томонлама асосда ҳам космосда тинч ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, албатта. Бу гап АҚШга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

1975 йилда «Союз» ва «Аполлон» кемалари туташтирилганлиги ва бу нарса дунё аҳлини қойил қолдирганлиги эсингизда бўлса керак. Ҳозир ҳам баъзи ишлар қилинмоқда: Биз АҚШ олимлари билан биргаликда халқаро «Вега» лойиҳаси доирасида Венерани ва Галлей кометасини тадқиқ қиляпмиз, космик қидирув-қутқарув ишида бошқа мамлакатлар билан бирга қатнашяпмиз.

Аммо буни биргаликда қилиниши мумкин бўлган ишлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Бу имкониятлардан фойдаланмаслик оқилона иш эмас.

Америка жамоатчилиги, олимлари, АҚШ конгресси ҳамкорликни қайта тиклашга зўр қизиқиш билан қараётганликлари, конкрет лойиҳаларни таклиф этаётганликлари сезилиб турибди. Биз бу соҳадаги жиддий таклифларни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Космосдаги ҳарбий программалар ҳам, тинчлик лойиҳалари ҳам, шу жумладан илмий-тадқиқот ишлари ҳам қимматга тушади. Шу боисдан ҳам тинч ҳамкорлик йўлини танлаб олиш учун катта асослар бор.

Термоядро синтезини ўзлаштириб олиш — халқаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳасидир. Бу иш инсониятга чиндан ҳам битмас-туганмас энергия манбаини, ўзига хос қўлбола қуёшни тортиқ қилади.

Бошқариладиган термоядро реакцияси ғоясини академик И. В. Курчатов 1956 йилдаёқ Англияда ўқиган машҳур лекциясида биринчи марта айтганлиги маълум. Ўшанда у совет олимларининг ишлари билан халқаро жамоатчиликни таништирган эди.

1978 йилдан бери Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатлари, шунингдек АҚШ ва Япония олимлари иштирокида Венада «Токамак» деб аталган халқаро тажриба термоядро реакторининг лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бундай реакторни, мутахассисларнинг фикрича, нисбатан яқин келажакда, ҳар ҳолда 2000 йилгача қуриш учун реал техникавий имкониятлар мавжудлигини ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин.

Яқинда Парижга қилган визитимиз вақтида тегишли мулоҳазаларни Франция президенти Ф. Миттеранга айтдик. У бизнинг таклифимизга ижобий назар билан қаради. Биз термоядро синтезини амалга оширишда барча манфаатдор давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш мумкин ва зарур деб ҳисоблаймиз, бу нарса энг муҳим жаҳоншумул проблемалардан бири — энергетика проблемасини ҳал этиш имконини беради.

Ҳозирги дунёда мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилишни талаб этувчи кўпдан кўп ғоят зарур вазифалар бор. Совет Иттифоқи —фақат инсониятнинг тинчлиги ва тараққиёти манфаатлари йўлида фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишда жуда кенг ҳамкорлик қилинишининг, давлатлар куч-ғайратларини бирлаштиришнинг қатъий изчил тарафдори эканини яна бир бор таъкидламоқчиман. Совет Иттифоқи бундай ҳамкорликка тайёрлигини, бу соҳада холис ниятда эканини неча марталаб исбот этганлигига сизларни ишонтира оламан.

Самарали илмий фаолиятингизда, қуролсиз дунё, урушларсиз дунё барпо этиш ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишдек олижаноб ишингизда сизларга муваффақиятлар тилайман.

(ТАСС).

ДАВР ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРМОҚДА

ГОРЬКИЙ, 13 ноябрь. (ТАСС). Халқ депутатлари область Советининг бугун партия активи билан биргаликда ўтказилган сессияси СССР Олий Совети Президиумининг «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан Горький область халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида» ги қарори қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди. Сессия ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико иштирок этди.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари область коммунистлари, барча меҳнаткашлари куч-ғайратини жўш урдириб, улар томонидан якдил маъқулланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда халқ депутатлари Советларининг роли беқиёс даражада ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини янада ошириш учун масъулият кўп даражада уларнинг зиммасига тушмоқда, деб уқтирилди нутқларда.

Социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Съездолди меҳнат вахтаси «КПССнинг XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида ўтказилмоқда. Коммунистлар ва депутатлар мусобақанинг пешқадами бўлмоқдалар. Область Советлари съездга тайёргарлик давомида иш услубини, форма ва методларини қатъият билан такомиллаштириб, ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этишга ижодий ёндашишга, ўз ваколатларидан тўлиқроқ фойдаланишга интилмоқдалар.

СССР Олий Совети Президиуми ҳам Советларнинг ишига юксак талабчанлик билан ёндашмоқда. 1985 йил 27 сентябрда СССР Олий Совети Президиуми ўз мажлисида «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан Горький область халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Президиум қабул қилган қарорда, М. С. Горбачев, А. А. Громико ўртоқларнинг, Президиум аъзоларининг мажлисда сўзлаган нутқларида ижобий жиҳатлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар борлиги айтиб ўтилди, ишга принципиал ва қатъий баҳо берилди. Горький область халқ депутатлари Советларининг фаолияти КПСС Марказий Комитетининг талабларига ҳали тўла даражада жавоб бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Советлар, уларнинг ижроия комитетлари кўпгина вазифаларни ҳал этишга суст таъсир кўрсатиб; областни иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги камчиликларни секинлик билан бартараф этмоқдалар.

Область Советининг ижроия комитети ана шу қатъий ва ҳаққоний танқиддан зарур хулосалар чиқармоқда ва ўз ишини СССР Олий Совети Президиуми ўртага қўйган талаблар асосида тубдан қайта қуриб чиқишга интилмоқда.

Давр Советлар партия XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага бошчилик қилиб, энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишдаги ташаббусни янада кенг кўламда, янада дадилроқ ўз зиммаларига олишларини, инсонга, унинг эҳтиёжлари ва талабларига, меҳнати, турмуши, дам олишига тааллуқли барча ишларга ғоят эътибор билан муносабатда бўлиш вазифасини юкламоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. Ҳар бир коллективнинг, ҳар бир совет кишисининг самарали меҳнати халқ фаровонлигини, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада оширишнинг негизидир.

А. А. Громико сессия қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУҲБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССР ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг кенг сиёсий ва жамоат доиралари СССРнинг тинчликни мустаҳкамлаш ва ядровий уруш хавфини йўқотиш борасидаги тадбирларини табриклашмоқдалар. Мамлакатдаги йирик оппозициячи партиялардан бири — Лок Дал партияси раҳбарларининг бу ерда ўтказилган мажлисида қабул қилинган резолюцияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг кейинги вақтларда илгари сурган тинчлик борасидаги таклифларига, аввало қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини ишлатиш хавфини йўқотиш ва унинг запасларини тугатишга қаратилган совет таклифларига юксак баҳо берилади. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш—мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Ядро қуролларини телбаларча кўпайтириш, ялпи қирғин қуролининг бошқа воситаларини, шу жумладан химиявий қуролнинг янги турларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш, «самовий урушлар» режаларини амалга ошириш, дейилади резолюцияда, мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини хавф остида қолдирмоқда.

Ҳозир жаҳондаги сиёсий вазиятни эътиборга олганда, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик муносабатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Икки мамлакатнинг мустақиллиги ва суверенитети ҳамда бутун жаҳоннинг бахт-саодати манфаатларини кўзлаб, Ҳиндистон — Совет алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш зарур.

Мажлис қатнашчилари Осиёнинг жанубидаги районда ва Ҳинд океани ҳавзасида АҚШ ўтказиб келаётган авантюристик сиёсатдан ғоят ташвишланаётганликларини билдирдилар. Қўшма Штатлар ҳужум қилишга мўлжалланган энг янги қурол-яроғларни ҳануз Покистонга етказиб бермоқда, АҚШ Ҳинд океанида ўзининг ҳарбий кучларини кўпайтирмоқда. Бу эса Ҳиндистоннинг осойишталигига жиддий хавф туғдиради, регионда жуда хатарли вазиятни вужудга келтиради, деб таъкидлаб ўтилади резолюцияда. Партия халқларнинг миллий озодлик учун, империалистларнинг зўравонлигига, мустамлакачилик, апартеид ва ирқчиликка қарши олиб бораётган кураши билан бирдам эканлигини ва бу курашни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини ҳам билдирди.

ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛЛАРИДА

ВЬЕНТЬЯН. Ҳозирча пўлат магистраллар бўлмаган Лаосда жўшқин ва азим Меконг дарёси ҳамда унинг кўпгина ирмоқлари муҳим транспорт йўли ҳисобланади. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатнинг дарё флоти уч баравар ўсди. Меконг дарёси соҳилида жойлашган Саваннакет шаҳри кемасозларининг бу борадаги хизматлари каттадир. Маҳаллий кемасозлик корхонасининг стапелларидан янги дарё кемалари мунтазам сувга тушиб турибди.

Лаосда сув транспорти билан бир қаторда автомобиль транспорти ҳам тез ривожланиб бормоқда. Автомобиль йўлларининг тармоғи доимо кенгайтирилмоқда. Бу соҳада совет мутахассислари ёш республикага катта ёрдам бермоқдалар. Яқинда совет мутахассисларининг ёрдами билан бутун мамлакатни жанубдан шимолгача кесиб ўтадиган 13-сонли йўлда совет мутахассислари ёрдами билан кўприк қурилди. Бу кўприк Ўжар Қадинг дарёси устида барпо этилди.

Чехословакиядаги «Хоженак» халқ қўшиқлари ва рақси бадиий ансамбли коллективи миллий санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ансамбль қатнашчилари бир қатор чет эл мамлакатларида ўз санъатларини намойиш этишган.

СУРАТДА: «Хоженак» ансамбли қатнашчилари.

КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

АММОН. Иордания қироли Ҳусайн Яқин Шарқ масаласи юзасидан манфаатдор томонларнинг ҳаммаси иштироки билан халқаро конференцияни чақириш зарурлигини яна таъкидлади. Иордания парламентининг навбатдаги сессияси иш бошлаши муносабати билан сўзлаган нутқида қирол Ҳусайн араб ерларининг Исроил томонидан ҳануз оккупация қилиб турилишини кескин қоралади, бу оккупацияни ҳозирги замондаги энг шафқатсиз ваҳшиёна босқинчилик деб атади.

Халқаро империализм гумаштаси

ЛУАНДА. Халқаро империализм Анголадаги революцияни йўқ қилиб ташлаш ва Африка жанубидаги ўз ғаразли манфаатларини таъминлаш мақсадида ЖАР-даги ирқчи режимдан фойдаланмоқда, дейилади МПЛА— меҳнат партияси марказий комитети сиёсий бюросининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Айни шу боисдан ҳам Рейган маъмурияти рағбатлантираётган претория маъмурлари Африка жанубидаги мустақил мамлакатларга қарши ошкора мухолифлик ва агрессия сиёсатини кучайтирмоқда. Ирқчилар қўшни давлатлардаги аҳволни издан чиқариш учун ЖАР армиясининг таркибий қисми бўлиб қолган террорчи тўдаларни тузиб қуроллантирмоқдалар.

Социалистик жамият асосларини қуриш йўлини танлаб олган Ангола халқ республикаси мана шу қўпорувчилик йўлининг жабрини тортаётган мамлакатлардан биридир, деб таъкидланади ҳужжатда. Ирқчилар ангол халқининг революцион ғалабаларини тугатишга уриниб, кўп йиллар мобайнида Анголага қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқдалар. МПЛА — меҳнат партияси марказий комитетининг сиёсий бюроси ЖАР қўшинларини Ангола диёридан тўла-тўкис ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб қилади.

АҚШнинг Африка жанубидаги сиёсати регион муаммоларини тинч ҳал этишга мутлақо имкон бермайди, деб уқтирилади ҳужжатда.

ИСПАНИЯ. Жанубий Африка Республикасининг қора танли аҳолисига нисбатан ўтказилаётган қонли террор ер юзидаги тараққийпарвар инсониятни ларзага келтириб юборди. Мадриддаги Жанубий Африка Республикаси элчихонаси олдида бўлиб ўтган кўп кишилик митинг қатнашчилари ҳам қонли жиноятнинг зудлик билан тўхтатилишини талаб этдилар.

СУРАТДА: Испания пойтахтида бўлиб ўтган кўп кишилик митинг қатнашчилари.

БОЛГАРИЯ ПОЙТАХТИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

СОФИЯ. Болгария пойтахти атрофида 2 минг гектарга яқин ер кўкаламзорлаштирилади. Бу иш София шаҳар халқ кенгаши атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасида қабул қилган программанинг йўналишларидан биргинасидир. Келгуси беш йилга мўлжалланган программада ботқоқланган ерларни мелиорациялаш ҳамда бўш ётган бир минг гектардан зиёд майдондан деҳқончилик учун фойдаланиш алоҳида ўрин тутади.

Янги программа Болгариянинг катта шаҳридаги экологик мувозанатни сақлаш мақсадида амалга оширилаётган турли чора-тадбирлар қаторига кирди. Бу ерда ўтган ўн йил ичида шу борада катта ишлар қилинди. Атмосферани булғайдиган саноат корхоналарининг бир қисми, омборхоналар, автомобиль хўжаликлари шаҳар чегарасидан ташқарига чиқарилган, иссиқлик электр станциялари табиий газ ёқишга ўтказилди ва ҳоказо. Транспорт оқими чеккага чиқарилиша натижасида шаҳар марказидаги шовқин даражаси пасайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, келгусида уй-жой районларидаги микроиқлимни яхшилаш тадбирларини болгариялик мутахассислар ишлаб чиққан София комплекс-экологик картаси асосида бажарилади.

ЮКСАК МУКОФОТ

Анголанинг биринчи президенти Агостиньо Нето томонидан жорий қилинган саводсизликни тугатиш бўйича белгиланган тадбирга кўра ўтган 9 йил давомида бир миллиондан ортиқроқ киши ёзиш ва ўқишни ўрганди. Саводсизликни тугатиш бўйича эришилган муваффақият учун Анголага Н. К. Крупская номли ЮНЕСКОнинг Халқаро мукофоти берилди. Бу борадаги ҳаракатни янада жадаллаштириш учун мамлакатда миллий тилларда савод чиқаришга алоҳида эътибор бериляпти. Айниқса қишлоқ жойларида саводсизликни тугатиш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

ТЎҒРИ СЎЗ ЁҚИБ ТУШМАДИ

Замонавий компьютер одамни ҳақорат қилиши мумкинми! Ҳозирги техника асрида бунга ишонса бўларкан... Бир америкалик инженер ўзи яратган электрон ҳисоблаш машинасини ишлаб чиқариш учун рухсат олиш борасида Вашингтондаги бюрога мурожаат қилди. «Бу энг ақлли электрон ҳисоблаш машинаси, — деди ихтирочи, — агар унга бемаъни савол берилса, устингиздан кулади». Текширувчи ходим ихтирочининг гаплари ҳаққонийлигини синаб кўрмоқчи бўлиб, машинага шу тўғрими, деб мурожаат қилди. Бунга жавобан электрон ҳисоблаш машинаси текширувчи ходим устидан кўпчилик олдида мазах қилиб кулди. Бемаъниликдан жаҳли чиққан амалдор бундай компьютер циркда ишлай олади, деб ихтирочини қувиб юборди.

ИЧУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Германия Федератив Республикасида кейинги йилларда спиртли ичимлик ичувчилар сони ортиб бормоқда. Хомбург университети асаб касалликлари клиникасининг профессори Клоус Ванкенинг маълумотига қараганда, ҳозир мамлакатда 1,5 дан 2 миллионгача ичувчи мавжуд. Мамлакат экономикаси спиртли ичимлик ичиш туфайли йилига 17 миллиард марка зарар кўрмоқда. Аҳоли жон бошига ичимлик ичиш 1950 йилдагига қараганда тўрт баравар кўпайди. Ҳар бир киши ичимлик ичиш учун йилига ўртача 600 марка сарфламоқда. Транспортда юз бераётган бахтсиз ҳодисаларнинг 40 проценти ичкилик туфайли содир бўлаётир. Ичувчиларнинг 30 процентини аёллар ташкил қилади.

• СУД ЗАЛИДАН

«Пора» операцияси пора-пора бўлди

«Қингир иш қирқ йилдан кейин бўлса ҳам барибир ошкор бўлади» деган ҳикматли сўз бор. Тошкентдаги уй-жой-қурилиш кооперативларидан бирининг собиқ раҳбарларидан В. Соколовский ва А. Барсегян 15 йил... қамоқда «хотиржам» ўтириб бу нақлнинг мағзини чақишадиган бўлди. Улар порахўрлик, квартиралар олди-соттиси жиноят бўлиб, муқаррар жавобгарлик кутишини билишарди, албатта. Лекин, ўз кўнгилларида, қаллобликни шу қадар «нозиклик» билан рўёбга чиқаришардики, жиноятнинг изи қолмагандай эди. Аммо социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш шаҳар бошқармасининг ходимлари уларнинг «эсини жойига келтириб қўйишди».

Шаҳар прокуратурасининг жуда муҳим ишлар бўйича катта терговчиси У. Эшонхонов оператив тергов группасига бош бўлди. Бу группага УБХСС ходимларидан Н. Абдуллаев, Н. Худойберганов, Х. Мирзараҳимов ўртоқлар ҳам кирдилар. Порахўрлик ҳақидаги бошқа ишлардаги сингари бу гал ҳам уларнинг вазифаси мураккаб эди. Агар жиноят ҳақидаги хабар асоссиз бўлиб чиққудек бўлса!... Оператив ходимларнинг бегуноҳ одамга ишончсизлик билдириб, уни таҳқир қилишга ҳақ-ҳуқуқлари йўқ. Иккинчи томондан агар ҳақиқатан ҳам порахўрга «рўпара» келган бўлсанг, уни «чўчитиб» юбормаслик керак— чунки жиноятчилар изларини обдон яширадилар.

Соколовский ҳам, Барсегян ҳам «ошиғимиз олчи» деб юришган эди. Операция кетидан операция бўлиб, мўмай пул ёғилиб келаверарди. Улар қонунга чап бериб. квартира олиш ҳуқуқи бўлмасада навбат кутмасдан уй олишга хомтама бўлаётган одамларни қидиришарди. Соколовский ва Барсегян милиция ходимлари уларнинг изидан юриб, жиноят чигалини ечишаётганидан бехабар қолишди. УБХСС ходимлари юзлаб ҳужжатларни диққат билан ўрганиб чиқдилар. Агар ана шу ҳужжатлар ўз вақтида синчковлик билан текширилганида эди, аллақачон жиноятнинг олди олинган бўлур эди. Лекин айрим амалдор кимсалар жиноий бепарволикка йўл қўйдилар. Кейинчалик суд улар устидан хусусий ажрим ҳам чиқаради.

Тергов ниҳоясига етиб қолганда, жиноятчиларнинг шерикларидан бири уларнинг ишини кимдир синчковлик билан текшираётганлигини сезиб қолди. Бу кимса жиноятчилар изига тушган одамнинг тилини пора билан «боғлаб» қўймоқчи бўлди. Ана шу жиноят устида улар қўлга олинди. Ана шу охирги операцияга қонун бузилишининг ҳужжатлар билан далилланган ва асосланган 12 жиноят ҳам қўшилди. Ана шу 12 жиноят устида улар, албатта пора бермаганлар, балки пора еганлар.

Суд ана шу жиноятчилар билан алоқа қилган баъзи кишилар учун ҳам қаттиқ сабоқ бўлди. Афсуски ҳали ҳам пул бўлса «чангалда шўрва» деб юрган ва қонунни бузишга ҳадди сиғадиган кишилар бор.

(ЎзТАГ).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ШМЕЛЬ»—ИХЧАМ ПИЛЕСОСДИР



БУ ПИЛЕСОСНИНГ ОҒИРЛИГИ БОР-ЙҮҒИ 2 КИЛОГРАММ БЎЛИБ, АВВАЛГИ ЎТМИШДОШЛАРИДАН ФАҚАТ ОҒИРЛИГИ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЎРТ МАРТА КАМ САРФЛАШИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ.

«ШМЕЛЬ» ПИЛЕСОСИ енгил ва қулай бўлиши билан бирга қўлда кўтариб юрилади, уни йиғиш ва бўлаклаш шарт эмас. у ҳамма вақт ишлашга тайёр, ана шунинг учун ҳам унинг доимий уланадиган шланги йўқ.

«ШМЕЛЬ» ЗАМОНАВИЙ ВА ЧИРОЙЛИ БЕЗАКЛАНГАН.

Баҳоси — 25 сўм.

СИЗ «ШМЕЛЬ» ПИЛЕСОСИНИ ЭЛЕКТР МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДАН БЕМАЛОЛ СОТИБ ОЛАСИЗ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1985 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КОНТРОЛЕР-КАССИР ВА СОТУВЧИЛАР.

Группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати—6 ой.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ГРУППАЛАРГА ТУГАЛЛАНМАГАН ЎРТА (8,9-синф) МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ҲАМ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 ой.

КОНТРОЛЕР-КАССИР ВА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ГРУППАЛАРНИНГ БАРЧА ТИНГЛОВЧИЛАРИГА ҲАР ОЙДА 54 СЎМДАН 64 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

КОНТРОЛЕР-КАССИР, КИЧИК СОТУВЧИ ВА ОШПАЗЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ГРУППАЛАРДА ЎҚИШ ҲАР БИР ГРУППА КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Республика ўқув-курс комбинати барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиганларни қабул қилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИНИНГ БАРЧА ГРУППАЛАРИГА ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК, ГРУППАЛАРДА ЎҚИШ БУТУН ЙИЛ ДАВОМИДА УЗЛУКСИЗ РАВИШДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида—Тошкент Бош Универсал магазини ГУМда, Республика «Гастроном» конторасига қарашли магазинларда ҳамда ресторан ва умум-овқатланиш трестларининг илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, характеристика.

Ўқув-курс комбинати адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй. Телефон: 78-44-30. (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпонота» бекати).

Сизнинг севимли хонангиз...

ҲАР БИР ХОНАДОННИНГ ЎЗИГА ХОС СЕВИМЛИ ХОНАСИ БЎЛАДИ. АНА ШУ ХОНАДА ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЖАМУЛ-ЖАМ БЎЛИБ СУҲБАТ ҚУРИШАДИ, КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛИШАДИ, ТЕЛЕВИЗОР КЎРИШАДИ, ШАХМАТ ЎЙНАШАДИ, ТЎР ТЎҚИШАДИ.

ОЛМАЛИҚ МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН

«ГРЕЗИ» МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИ

СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗДА АНА ШУНДАЙ ФАЙЗЛИ ХОНАНИ МУҲАЙЁ ЭТАДИ.

Унда ором олиш учун ҳамма қулайликлар: диван-каравот, икки кресло, журнал столчаси бор.

ЧИРОЙЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ БЕЗАКЛАНГАН БУ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИ СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗДА ФАЙЗ ВА КЎРКАМЛИК ЯРАТАДИ.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 55-22-98).

«БЕРДСК» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ

СОҚОЛНИ ТОЗА ОЛАДИ

«БЕРДСК»—9» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ҲАР КУНГИ СОҚОЛ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ОҲИСТА ВА ОРАСТА ЎТКАЗАДИ. Чунки унга янги такомиллашган механизм ўрнатилган. Беш хил ҳолатда жойлашувчи дастакча ёрдамида ўчта сирғалувчи пичоқ кўтарилади ва туширилади.

Электр устарангинг механизми Сизнинг терингиз хусусиятларига кўра муносиб созланади.

Электр устарада ҳаракатланувчи қирқувчи блок ўрнатилган. Металл гилоф устидан сунъий чарм қопланган.

Баҳоси — 30 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

МУНОСИБ КАСБ ЭГАЛЛАЙСИЗ

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ ҚОШИДАГИ ОФИЦИАНТЛАР КУРСИДА 6 ОЙ МОБАЙНИДА МУНОСИБ КАСБНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Курсга 18 дан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинмоқда.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 60 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчилар Тошкент ресторанлари ва кафеларига ишга юбориладилар.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 22-«а» уй, Тошкент ресторанлар трести, кадрлар бўлими (3-троллейбуснинг «Педагогика институти», 6, 11, 13, 14-троллейбусларнинг; 7, 11, 51, 77-автобусларнинг «17-Поликлиника» бекати).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-74-61).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ЭЛЕКТРОНИКА

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИНИНГ НАМАНГАН ШАҲРИДА ОЧИЛГАН ФИЛИАЛИ

СИЗНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Магазин-салон электр музика асбоблари, столга қўйиладиган, қўлга тақиладиган соатлар (эркаклар ва аёллар учун), **«Электроника» магнитофонлари, автомобиль приборлари, кичик ҳажмли телевизорлар, микрокалькуляторлар, совға буюмлари билан савдо қилади.**

Энг оммавийлашган «Сеними, шошмай тур!» («Ну, погоди!») ўйин-будильниги магазинда доимо сотувда бўлади.

Намангандаги магазин-салон соат 10 дан 19 гача ишлайди. Дам олиш куни — душанба. Телефон 4-25-90.

Тошкент «Электроника» фирма магазин-салони.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИГА:

Муборак газни қайта ишлаш заводи қозонхоналарида вахта методида ишлаш учун қозонхоналар операторлари, насос ускуналари машинистлари, сувни химиявий тозалаш аппаратчилари, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатувчи слесарлар, химиявий анализ лаборантлари.

ҲАМЗА РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

штамповкачилар, катушкаларни ўровчилар, трансформаторлар,

слесарь-асбобсозлар, токарлар, лифтчилар, автокранчилар, қоровуллар; бухгалтерлар, граждан мудофааси инженерлари, меҳнат бўйича экономистлар, социалистик мусобақа бўйича инженерлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

Ишчилар вахтага самолётлар ва автобуслар билан олиб борилади. 20 ёшдан кичик ихтисосликка эга бўлмаган ёшлар юқорида кўрсатилган касблар бўйича ўқитилади.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:

бухгалтерлар, омборчилар, қабул қилувчи ва топширувчилар, юк ташувчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН МОНТАЖ БОШҚАРМАЛАРИГА:

слесарь-сантехниклар, газ электр пайвандловчилар.

СПРАВКАЛАР, ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ —Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ— У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ —2-квартал, 3-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ— К. Маркс кўчаси, 59-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 46-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент ҳунар-техника таълими бошқармаси Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги

32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича 1985-1986 ўқув йили учун

8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, наввой, совутиш қурилмаларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

ЎҚИШ МУДДАТИ: **ўрта маълумотлилар учун —1 йил, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун —2 йил.**

8-синф маълумотига эга бўлганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентигача миқдорида пул мукофоти оладилар. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади ҳамда яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди.

Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисоси бўйича 3-4 разряд берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар-жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» 21, 49-автобусларнинг «Нон заводи», 3, 23, 29-трамвайларнинг «Фронтовая кўчаси» бекатлари).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Севги ҳақида афсона**, 17/XI да **Этик кийган мушук** (12.00), **Тўмарис** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 15/XI да **Кузнинг биринчи куни** (19.00), 16/XI да **Парвона** (19.00), 17/XI да **Куёв** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XI да **Лайли ва Мажнун**, 16/XI да **Хизматингизга тайёрмиз**, 17/XI да **Туяқуш бояқиш** (12.00), **Сатира ва юмор кечаси** (19.30).

кино

15 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИШДА ПИШАР ОЛЧА» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН» —**Ғунча** (16, 18, 20.00; телефон 42-02-22).

«ГАРИБАЛЬДИ МАЙДОНИДА» — **Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 91-14-61), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«СЕВГИ МАВСУМИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 65-15-75), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30; телефон 46-70-69). **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 58-36-06).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Восток** (кичик зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

16, 17 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИШДА ПИШАР ОЛЧА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда телефон 78-47-25), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-58-04).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН» —**Ғунча** (16, 18, 20.00; телефон 42-02-22).

«ГАРИБАЛЬДИ МАЙДОНИДА»— **Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30, да, телефон 91-14-61), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«СЕВГИ МАВСУМИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.30; телефон 46-70-69), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 58-36-06).

«СЕНИНГ МУҲАББАТИНГ» — **Восток** (кичик зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 157-ўрта мактаб томонидан **Алимова Дилфуза** номига берилган 303591 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бўлим мудири Д. Х. Ғуломовга опаси

Раъно Ҳожиакбаровна ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

15 НОЯБРЬ

● МТ I

18.35 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.05 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 А. Глазунов. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт.
20.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Т. Рузавина ва С. Таюшев куйлайди.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Трасса». Бадиий фильм.
20.20 «Менинг далам». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.45 «Шахмат мактаби».
21.15 Кичик концерт.
21.30 «Время».
22.05 Ҳужжатли фильм.
22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — МАСК. 2 ва 3-даврлар.
23.45 Поэзия. К. Рилеев.
00.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. «Спартак» — «Металлист». 2-тайм. Йўқлама. Ленинград ва Москвадан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
18.45 «Қирол ва қовунлар». Мультфильм.
19.00 «Алкоголизмга қарши кураш — ҳамманинг иши» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Афсоналар ороли». Телефильм.
19.55 «Анъаналар ва замонавийлик». Олмалиқликлар турмушида янги урф-одатлар ва маросимлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Область театрлари солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Илғор тажриба мактаби». Дўстлик районидаги Ленин номли қишлоқ хўжалик техникумининг А. Нурлибоев бошлиқ бригадаси ҳақида ҳикоя.
22.20 «Эртага— премьера». Кинокўрсатув.
23.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия.

ШАНБА

16 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Товарлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари, реклама».
10.40 «Чашмалар».
11.00 «Қанотлар». Телефильм.
12.00 Пианиночи Е. Кисин чалади.
12.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 «Уч юз йилликлар шаҳри». Ленинград ҳақида. 1-кўрсатув.
13.40 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Хор қўшиқлари конкурси» (АҚШ).
14.15 «Ёзувчи ва ҳаёт».
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 «Хазина». Мультфильм премьераси.
15.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.00 Киевда бўлиб ўтган телефильмлар XI Бутуниттифоқ фестивалининг совриндор фильмлари. «Малла, ростгўй, ошиқ». 1 ва 2-серялар.
19.30 «Ўсмирликлар дунёси».
20.15 Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Муҳаббат харобаларида». Телевизион бадиий фильм (АҚШ).
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 Илмий-оммабоп фильмлар.
10.00 «Тонгги почта».
10.30 «Ерда, самода ва денгизда».
11.00 ИРКУТСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.00 «Мамлакат ва қитъалар бўйлаб». «Жароҳатланган планета». Ҳужжатли фильм (ВХР). 2-фильм.
12.30 «Кубань узра, дарё узра».
12.55 «Мўлжални кўраяпман». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияларр.
15.05 Ўсмирлар учун музикали кўрсатув.
17.00 И. Гёте. «Фауст». Трагедиядан саҳналар.
17.55 Реклама.
18.00 «Серенада» духовой чолғулари квинтети чалади.
18.30 «Чашмага таъзим эт». Телефильм.
19.20 «Музикали мозаика».
19.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Н. М. Ромадин.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Ольга». Фильм-балет премьераси.

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
8.30 «Ахборот».
8.50 Телефильм.
9.00 Москва. «Время».
9.40 «Гўзаллик оламига саёҳат» (такрорий, рус.).
10.50 «Агар соғлом бўлай десанг». «Чиниқиш».
11.20 «Киноредакция почтасидан».
12.05 «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак».
12.35 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
13.35 «Шер қабри». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Салом, Ральф», «Ўн учинчи вираж».
19.00 Болалар учун концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Кўчаларни иситишга зарурат борми?» Тошкент шаҳрини кузги-қишки иситиш мавсумига тайёрлаш ҳақида.
20.20 «Мени қувиб ет, шамол». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона, аҳил оилада». Тожикистон ССР.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 17.00 МТ II

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Олға, карнайчилар».
18.35 «Янги эртак», «Қоплон учун уй». Мультфильмлар.
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.30 Телефильм.
19.50 Концерт.
20.30 «Ахбор».
20.55 Телевизион миниатюралар театри.
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —09573. А—2263. Индекс 64690 123456789 10